

# "ТАРБИЯ-ҲАЁТ МАМОТ МАСАЛАСИ. (Имон эътиқодда событ) "




*Абдулла Авлони.*

- **"Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир", - дея ёзган эди маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний.**  
Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асrimiz бошида миллатимиз учун қанчалар мухим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра мухим ва долзарб аҳамият касб этади".



Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида "**Халқимизда "таълим ва тарбия бешикдан бошланади**", деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди" дея таъкидлаб ўтдилар. Дарҳақиқат, соғлом болани соғлом ва аҳил оиласида соғлом она дунёга келтиради. Бола тарбиясида эса оиласининг ўрни ва таъсири катта. Чунки, олимларнинг таъкидлашича, ҳар бир одам умри давомида оладиган маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олар экан. Демак, оила бошлиғи бўлмиш ота ва она ўзларининг яхши хисоботлари билан ўrnak бўлишлари керак. Чунки, халқимизнинг "Қуш уясида кўрганини қилади", деган мақоли бежизга айтилмаган.


ТАРБИЯ  
Ҳар бир инсоннинг  
ҳаётда орттирган  
сабоқлари ва  
интелектуал  
салоҳиятларининг  
ижобий  
кўниkmаларини  
ўзгаларга бериш  
жараёни



Яхши таълим-тарбия олган бола келажакда оиласига ҳам, ватанига ҳам фойдаси тегадиган комил инсон бўлиб вояга етади. Ёмон тарбия кўрган болаларни эса оиласига ҳам, юртига ҳам нафидан кўра зиёни кўпроқ тегади. Рус ёзувчиси М.Горький таъбири билан айтганда "Ёмон болалар учун ота-онани жазоламоқ керак". Ёки инглиз адаби Т.Фуллер ёзганидек, "Ўз ўғлини ҳеч бир фойдали ишга ўргатмаган одам ўғри боқаётган бўлади".

Таълим-тарбияли, соғлом бола оила қувончи, миллат таянчи, келажагимиз пойдеворидир.

Ёш авлодни ватанпарварлик инсонпарварлик каби хислатлар билан бирга диний ва миллий бағрикенглик, юксак маънавият эгаси бўлиш ҳамда бошқа миллатларга нисбатан ҳурмат билан карайдиган, инсоний қадр-қимматни эъзозлайдиган қилиб тарбиялашда ўзаро чамбарчас боғлик уч омил – **оила, маҳалла ва таълим муассасалари** ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Улар орасидаги самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ўсмирлар орасида тартиббузарлиқ, ўғрилиқ, танга жароҳат етказиш, номусга тажоввўз қилиш, гиёхвандлик ва шунга ўхшаш иллатларнинг олдини олишда, бугунги куннинг маънавий етук ёшларини тарбиялашда хал қилувчи аҳамият касб этади.



**«Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар,  
иймон эътиқодли фарзанд нафақат ота-  
онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта  
бойлигидир»**

**«Юксак маънавият – енгилмас куч» китобидан**

Буюк ватандошимиз Имом Фаззолий шундай дейди: “Болалар ота-оналариға берилған бир омонатдир. Боланинг қалби ҳар қандай нақшу тасвирдан холи бир қимматбаҳо гавҳардир. У қандай нақш солинса, қабул қиласи, қаёққа букилса, эгилади. Агар яхшиликка ўргатилса, шу билан ўсади ва дунёю охиратда саодатга эришади. Унинг савобига ота-онаси ҳам, ҳар бир муаллиму устозлари ҳам шерик бўладилар. Агар ёмонликка одатлантирилса, ҳайвонлардек ўз ҳолига ташлаб қўйилса, охироқибат ҳалок бўлади. Гуноҳи эса унинг тарбияси учун жавобгар бўлганларнинг гарданига тушади”.



Ҳар бир ота-она учун энг олий мукофот – фарзандларининг камолини кўриш. Биз юртимиздаги барча фарзандлар баркамол, маърифатли бўлиб вояга етишини, мамлакатимиз тараққиётининг устунлари бўлишини истаймиз. Бу йўлда биз қизларнинг юксак маънавий тарбияси, билим олиши, касб-хунар эгаллаши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши катта аҳамият касб этади.

## ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА ҲАР БИР БОЛА ТИМСОЛИДА КИМНИ КҮРИШ ЗАРУР?

Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртаниги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлик.



Бунинг учув ҳар қайси ота-она, устоз ва мурабэй **ҲАР БИР БОЛА ТИМСОЛИДА АВВАЛО ШАХСНИ КҮРИШИ ЗАРУР**. Ана шу оддий талабдан келиб чиқсан холда, фарзандларимизни мустакил ва юнг фикрлаш кобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил нисонлар этиб вояга етказиш — таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул [WWW.MARJIMUZ.uz](http://WWW.MARJIMUZ.uz) керак.



Бугун илм-фан ва таълим изчил ривожланиб бораётган бир даврда ҳеч шак-шубҳасиз тарбия таълимнинг асосида туриши шартдир. Шундай экан, илм-фан таълим-тарбия асосида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, ҳар бир педагог, муаллим ва устознинг таълим беришдан мақсади – келажаги порлоқ, Ватан ва эл-юргизматида турадиган кадрларни тарбиялаш бўлар экан, бундай таълим-тарбия ўз самарасини бермай қолмайди. Яъни, бугунги куннинг ўқитувчи ва муалими ўзи таълим бераётган шахсга фидойилик билан таълим бериши, қолаверса жонкуяр тарбиячи бўлиши шарт. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек: “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси”.



**Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади.**

*Ислом Каримов*



